



# БШҚАРАДИГАН САЛОТ

БЕНИХОЯ

ГАМХҲҮРЛИК

БҲҲҲ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашини!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

9 июнь 1971 й.

ЧОРШАНБА № 134 (1609). БАҲОСИ 2 ТИЯН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПАРВОЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН ПОСЁЛКАСИ

ПЕНСИОНЕРЛАР ҚУВОНЧИ

ЯНГИ ПОЛИГРАФИЯ КОРХОНАСИ

## «Шимол»га трамвай қатнайди

Бульдозер ҳайқириб ер текислайди. Ишчилар ҳозиргина келтирилган шағалларни шибаламоқдалар. М. Айтаҳунов бригадаси темир-бетон шпалларни бир меъёрга ерга ёқизляпти. Пойтахтнинг Энгельс кўчасида пўлат йўл қурувчилар ана шундай жадал ишлашляпти. Ҳа, «Шимол» массивида янги трамвай маршрути йўлга қўйилиш арафасида. Бу маршрут «Шимол» массиви — Энгельс — «Галаба» боғи — «Олой» бозори — Навоий театри оралигида қатнайди. Янги маршрутнинг «Таштранс» трестига қарашли 71-қурилиш бошқармасининг мастери Вадим Снегиров раҳбарлигидаги йўлсозлар бунёд этмоқдалар. Улар кундан-кунга «Високовольт» массивида қуриляётган 400 ўринли трамвай ва троллейбус депосида трамвай йўллари қуриб тугаллаб, бу ерга келдилар. Илгори ишчилардан А. Хошимов, К. Қаримов, Л. Бареклар ҳар кун нормадан ташқари 10—12 метр ерга темир-бетон шпалларини ётизмоқдалар. Тошкент электро-транспорт ходимлари кейинчалик бу трамвай линиясини янги лойиҳа бўйича «Қорақамиш» массивига ҳаётли ва тўришнинг муваффақиятлар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг социал таъминот бошқармасида пенсияси миқдорда оширилган пенсионерларнинг ҳужжатларини қайта расмийлаштириш тугалланди. Шу муносабат билан, бошқарма бошлиғи М. Орпиева бундай деди: — Беш йиллик Директиваларида совет кишиларининг фаровонлигини ошириш мақсадида жуда катта тадбирлар белгилаб берилган. СССР Олий Совети Президиумининг кун-кеча маъбуотда эълон қилинган фармони ҳам ана шу тадбирлардан биридир. Ҳозир шаҳримизда қариллик пенсияси миқдори 30 сўм бўлган пенсионерлар 18 миңга яқин кишини ташкил қилади. Улар шу йилнинг 1 июлидан бошлаб 15 сўмдан кўшимча нафақа олади.

## Маркалар ҳикояси

Бугун пойтахтдаги темирйўлчилар маданият саройида шаҳар филателистлари кўргазмаси очилди. Умумўзбек XV ва СССР халқларининг V спартакиадада бағишланган кўргазма экспонатлари ранг-баранглиги билан диққатга сазовор. Маркалар мамлакатимиздаги йирик спартакиада ва олимпиада ўйинлари ҳақида ҳикоя қилади. Спортнинг ҳар хил турларига оид маркалар ҳам экспонатларни бойитган.

## ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР

Яқинда ватанимиз пойтахти Москвада халқаро савдо жиҳозлари ярмаркаси очилди. Унда республика савдо ташкилотларининг вакиллари ҳам қатнашмоқдалар.

## ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИНИ ИШЛАТИШГА ДОИР

Бугун Тошкент темир йўл транспорт инженерлари институтида темир йўл транспортда ҳисоблаш машиналарини ишлатиш уларни амалга талбиқ қилишни яхшилаш масаласига бағишланган Бутуниттифоқ конференцияси очилди. Пигилида СССРнинг 25 шаҳарида келган олимлар, инженерлар қатнашмоқда.

## У ЧУ В Ч И БОШҚАРАДИГАН «САЛОТ» СТАНЦИЯСИНИНГ У Ч И Ш И

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 7 июнь. (ТАСС). Учувчи бошқаритган биринчи орбитал илмий станцияси — «Салот» учинчи давом эттиришда. Москва вақти билан соат 17 га қадар станция Ер атрофини 800 марта айланиб чиқди, шундан олти марта космонавтар Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков ва В. И. Пацев ўртоқлар станция кичга ўтиб олганлардан кейин амалга оширилди.

Траекторияни ўлчаш маълумотларига қараганда, станция орбитасининг параметрлари куйидагича: Ер юзасидан энг кўп узоқлашган нуқтага (апогейда) 249 километр; Ер юзасига энг яқин нуқтага (перигейда) — 212 километр; Ер атрофини айланиб чиқиш даври — 88,2 минут, орбитанин оғиш — 51,6 градус. Телеметриқ ўлчовларининг маълумотларига ва станция командири ўртоқ Г. Т. Добровольскийнинг айтган гапларига қараганда, станцияда ўрнатилган системаларнинг ҳаммаси нормал ишлаб турибди, космонавтарнинг сикат-саломатлиги яхши. Станциянинг космонавтар яшайдиган бўлиналаридаги босим сийаб устунининг 900 миллиметрга тенг, температура цельсий билан плюс 17 градус.

Учувчи бошқаритган «Салот» илмий станцияси белгилаб қўйилган орбита бўйлаб қаракатини давом эттириб, 7 июнь соат 15-15 минутда Совет Иттифоқи территориясидан туриб радио орқали алоқа қилинадиган зонадан чиқиб кетди. Орбитал станция билан қилинадиган радио алоқанингу шу кун учун планлаштирилган охири соатин соат 16.24 минутда бошланди. Бу радио алоқа совет СССР Филлар академиясининг Атлантика океани акваториясида турган «Академик Сергей Королев» номли илмий тадқиқот кемаси ва «Молния-1» алоқа йўлдоши орқали ўтказилди. Шу сенас тугаган вақтдан бошлаб то 8 июнь кечасоат 1 га қадар космонавтар навбат билан дам олади.

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 8 июнь. (ТАСС). Космонавтар Георгий Добровольский, Владимир Волков ва Виктор Пацевовнинг жаҳонда биринчи учувчи бошқарадиган «Салот» илмий орбитал станциясидаги иккинчи иш кунини 8 июнь кечасоат бирда бошланди. Иш бошланш вақтига нелганда станция Совет Иттифоқи территориясидан туриб радио орқали алоқа қилинадиган зонага кириб олди. Станция экипажи дам олиб, ишонча қилиб бўлганда сунг станция аппаратларини планлаштириб қўйилган тадқиқотлари ўтказиш учун текшириш ва тайёрлашга киришди. Космонавтар борт системаларини турли режимларда ишлатишни сийаб қурдилар. Космонавтар радио алоқа сенасини вақтида станциянинг дам олинмадиган ҳамда ишланмадиган бўлиналарининг қулайлиги ва кенглигини бир неча бор таъкидлаб ўтдилар. Учинчи бошқаритган марказида бўлган мутахассислар космонавтарларнинг фаолиятини телевизион системалар ёрдамида кузатиб бордилар.

Экинч Москва вақти билан соат 13 дан 10 минут ўтганида Совет Иттифоқи халқларига табриқ йўллади.

Учинч программасида мувофиқ, 8 июнь соат 11 дан 02 минут ўтганида «Салот» станциясининг орбитаси турғайлиб қўйилди. Станция анча юқори орбитага ўтганидан сунг унинг параметрлари куйидагича бўлди:

— Ер юзасидан энг кўп узоқлашган нуқтага (апогейда) — 263 километр. Ер юзасига энг яқин нуқтага (перигейда) — 239 километр; — Ер атрофини айланиб чиқиш даври—89 минут; — орбитанин оғиш — 51,6 градус. 8 июнь Москва вақти билан соат 13 га қадар ичнда космонавтар бўлган «Салот» илмий станцияси Ер атрофини 21 марта айланиб чиқди. Телеметриқ азборот маълумотларига ва космонавтарнинг гапларига қараганда борт системаларининг ҳолати ва «Салот» илмий станцияси бўлиналаридаги микроқилим параметрлари нормал ҳолатда. Космонавтар Добровольский, Волков ва Пацев ўртоқлар узларини яхши ҳис этмоқдалар ва режаллаб қўйилган тадқиқотларини давом эттирмоқдалар.


## МОНГОЛИЯ ХАЛҚ-РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИГА

Монголия Халқ-Революцион партияси XVI съездининг делегатларига ва бутун кардош монгол халқига учувчи бошқариб бораётган жаҳонда биринчи «Салот» орбитал илмий станциясидан отадин салом йўллаймиз ва энг яхши истакларимизни изҳор қилаемиз. Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Монголия Халқ-Революцион партияси ўртасидаги, Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик! Яшасин тинчлик ва социялизм! Космонавтар ДОБРОВольский, ВОЛКОВ, ПАЦЕВ.

## Янги лойиҳалар

Беш йилликда азм шаҳримизда кўплаб маданий-маиший объектлар қурилиш анчагина ортади. Масалан, Ўзбекистон ресторани, бир қанча янги кечки кафе-ошхоналар ана шулар жумласидандир. Яқин фурсатда бунёд этиладиган ана шу умумий оқватланш тармоқлари объектлари лойиҳаларини «Гипроторг» лойиҳа институтининг Урта Осиё филиали коллективи тайёрлаган, бу лойиҳа институтининг коллективи ҳозир яна бир қанча янги лойиҳалар устида иш олиб борапти. Мана бу суратда яқин келажакда шаҳар марказида қад кўтаридиган ярим тайёр маҳсулотлар магазини лойиҳаси акс этган.

М. Нуриддинов фотоси.



## КОРХОНАЛАР ОТАЛИГИ

Бугун Оқтош кучоғида жойлашган «Гулистон» пионер лагерига янги ради. У сўлим оромгоҳда пионерлар оромли бошланганлигида дарак берди. Бу ерда Чкалов номли авиация заводи ишчи ва хизматчилари

нинг фарзандлари дам оладилар. Корхона маъмурияти эркатойлар даргоҳини кенгайтириб бормоқда. Унда ёшқ корпуси фойдаланишга топширилди, янги бассейни қурилмоқда. Шунингдек, пойтахтдаги тамаки фабрикаси, электротехника заводи, «Ўзбекгидроэнерго» трести ўз лагерларини мавсумга тайёрлаб берди.

## \* Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

## Йўллар негачанг?

Шаҳримиз йўлларини ободонлаштириш бўйича кўпгина ишлар қилинди. Бетон ёки асфальт ётиқ йўллар киши кўзини кўювтирди. Лекин, курувчиларнинг ерости магистрал қурувларини ўтказишларига келганда, шунинг айтиш керакики, бу ишлар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг руҳсатисиз бошланиб, ойнаб ниҳосига етказилмай келаяпти. Бу эса, транспорт ҳаракатига ноқулайлик туғдириш билан бир қаторда, чангтузонини келтириб чиқаради.

Ана шундай манзаралар истеганга топилади. Хўш, ўзи нима бўляпти? Ҳамма гап шундаки, айрим раҳбарларнинг ерости ишларини бажариш бўйича белгиланган қондаларга риоя қилмаслиги ана шундай чангтузонларнинг ҳосил бўлишига олиб келаяпти. Ободонлаштириш ва кўкеламзорлаштириш бўйича шаҳар штабининг маълумида шу хусусда гап кетди.

Шаҳар қурилиш-ремонт трести ва унинг қармоғидаги маҳсулоти таъмиж бошқармасининг раҳбарлари каттик тежанд қилинди. Улар ободонлаштириш қондаларини мунтазам суратда бузиб, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг бир неча бор қилган эътирозларига эътибор бермаётдилар. Яқиндагина маҳсулоти таъмиж бошқармасининг қурувчилари ўзбошимчилик билан 4-Мичурич протезда бўйича ерости коммуналчиларини ўтказиш учун траншеялар қазинди. Бу билан улар автотранспорт ҳаракатини кўчаларини ифлослаштириди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

«Союзтефонстрой»нинг қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари адресига ҳам ана шундай эътирозлар биндирилди. Ерости коммуникациялари ўтказишнинг амалдаги қонуни-қондаларининг атрофи тоза бўлишига тўғрисида уйлашмайди. Шаҳарнинг айрим бозорларида хусусий оқватларни қўлда сотиш ажиб-та чиқяпти. Санэпидемстанцияларининг ерчилари, санитария милициясининг ходимлари бу норасга пажма орасидан қарамоқдалар.

Шу янги учун, санитария, қондаларининг бузиллишига ҳеч қўл қўймаслик керак. Биз ана шу тўғрисида доимо уйламоғимиз лозим.



Шаҳримиз корхоналари қурилиш ва муассасаларида беш йиллик топширилларини мундатидан илгари бажариш ҳаракати ой сайин иенг қўлоқ етмоқда. Пойтахтдаги йирик полиграфия корхонаси бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريётининг матбаачилари ҳам беш йиллик топширилларини мундатидан анча илгари адо этишга ақд қилишган. КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларидан руҳланган наشريёт матбаачилари ўртасида беш йиллик шахсий топширилларини уч ярим — ва тўрт йилда бажаришга ақд қилган илгорлар сонин ой сайин ортб бораёткир.

Сиз суратда кўриб турган мана бу икки илгор ишчи ҳам ана шундай ҳаракатга қўшилганлардан. Офсет цехидаги коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларидан [чапдан ўнгга] еш коммунист Шавкат Қосимов ва бригада бошлиғи Нармон Сафаров ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.

## АВТОМАТ ТОРОЗИ

Тошкентдаги шодли комбинатида 25 тонна юнни торга оладиган автоматик тороз ишга тушди. Бу юк ташиш суръатини тезлаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари, корхонада «ЭРД» маркази янги машина ҳам ўрнатилди. ГДР лий дўстларимиз ясаган бу мослама шодлини тозалайди. Комбинатда автомат-мосламалар ўрнатилганлиги муносабати билан, меҳнат унумдорлиги 30 процентга ошди.

## АҲОЛИ УЧУН

«Бешкарағоч» массивида икки қаватли янги тингдаи ҳаммом биноси кўриб битказилди. Уин 6-трестининг 33-қурилиш бошқармаси бинорларини ниҳосига етказяпти.

## Бугун

янги ҳаммом биносида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилади.

партиясининг XVI съездининг сиёсий активлик гоят ўсган бир вазиятда ўтмоқда. КПСС Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кирилленко Монголия халқ-революцион партиясининг XVI съездида нутқ сўзлади. «Ленинча миллий сиёсат тантанасини умумий сарлавҳаси остида сайловчиларнинг РСФСР Олий Совети депутатлигига энга номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Виктор Васильевич Гришин билан, Қозғоғистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозғоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Динмухаммад Аҳмедович Қунаев билан ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Петр Ефимович Шелест билан учрашувлари ҳақидаги ҳисобот берилган.



СУРАТЛАРДА: юрдиқ факультетининг сиртки бўлимига кирувчи ишлар имтиҳон пайтида; ўнгда — ёзма иш имтиҳонини олаётган ўқитувчилар [чапдан ўнгга] М.Олимов, Ф. Насриддинов ва унинг секретари М. Гафуровлар.

## \* Олий ўқув юрларига СИРТКИДА

ИМТИҲОНЛАР БОШЛАНДИ. Ёшларимиз меҳнат имтиҳонлари қизгин қилиш билан бир вақтда олий ўқув юрларига билим олиб, ўз сабиларини оширмоқдалар. Қуни-кеча В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Давлат университетининг сиртки бўлимидаги кириш имтиҳонлари қизгин бошланиб кетди. Илмевар ва меҳнатчилар дастлабки имтиҳонларини муваффақиятли топширдилар. Биология ва юрдиқ факультетларига қараганда абитуриентлар онга тилидаи-нишо ёзишди.







Самар НУРОВ

# Кенг ЖАХОН

Хикоя

Эзинг охирилари. Хава исик. Шаҳар марказидаги кўп қаватли бинонинг катта хонасида бўлим ходимлари терлаб-пишиб ишлашпти.

—Хужжатларни бугун жўнайтиш керак.

—Ҳа, ўнбеш кун тиричдик. Ойлар ҳам кўз очиб-юмгунча ўтиб кетаверарканда.

Бирова рўмолча билан бўйинини артарди. Бирова эсиаб, газета билан елинадди.

Эшик очилди, қош, сочлари қоп-қора, бурни чўзинчоқроқ, ўрта бўйли, кичик кўзлари қосасига ботиб турган жувоҳ маҳаллий комитет раисаси кирди.

— Уртоқлар ишдан кейин ҳеч ким кетиб қолмасин. Баҳром акани пенсияга узатиш маросими бўлади.

Бироздан кейин парторг ҳам кириб, кетиб қолманглар, директор ўзи қатнашмоқчи, деб тайинлади.

Иш вақти тугаганда залда хотимларнинг ярми қолди. Бирова боғчадан боламини олима, бошқаси мактабда ота-

оналар йиғилиши бор, магазинлар бекилиб қолади, деб кетишди. Тўрт-беш пенсионер келди.

Саҳнадаги узун столга ашиқ чойшоб тўшалган. Гулдондаги гуллар сўлиб, бошлари эгилиб турибди. Бир графинда суя. Директор ўртада ўтирибди. Маҳаллий комитет раисаси Баҳром акани президиумга таклиф этди. У тиззасига қўлини тираб, ҳарсиллаб нафас олиб, саҳнага чиқди. Директорнинг ёнидаги бўш курсига ўтирди. Дезмоллавериб ёқалари ялтйраган қора костюм кийган. Опоқ кўйлагига кўк галстук ярашган. Бошида янги чуст дўппи. Кўкрак чўнтагида авторучка. Кизариб кафтларини бир-бирига ишқаб, икки тиззаси орасидан полининг ёриқларига тикилиб ўтирди. Узун қошлари сескангандек учиш тўшади, киприклари тўхтовсиз пирпирайди.

Унг ёнида маҳаллий комитет раисаси. У ўриндан турди: —Мана бугун Баҳром акани пенсияга узатаймиз. У тизз

тўккиз йил давомида бирор марта ишга кеч қилиб, зоря кетганларини бирова кўрган эмас. Бошлиқларнинг сўзини икки қилмаган. Тўрт марта дирекциянинг раҳматномасини олган. Байрамларда икки марта кимматбаҳо буюмлар билан мукофотланган. Ҳамма ўшаларимиз Баҳром акадан ўрناق олишга эришди.

Баҳром ака илқ сўзларини хузуруни тингларди: «Мени шунча одам хўрма қиларкан. Раҳматнома олганимда ҳам шундай олқишлаган эди. Урناق олса...» юзлари бўриб, жигарранг тусга кирди. Қошлари учиб турибди, киприклари пир-пирай бошлади.

«Жонга тегди бу қарилар ҳамма дегандек кенг пешонасини тириштириб, катта қизил қалам билан папкадаги хужжатларга разм солиб ўтирган силлиқ юзли, елкадор директорга сўз беришди. У Баҳром ака садокат билан хизмат қилгани, билими, тажрибаси катта идорага жуда зарур кўши эканлиги ҳақида гапирди:

— Нима қилайлик, иложимиз йўқ у кишини ушлаб туришга. Ҳалол меҳнат қилди-лар, энди оёқни узатиб хузур-ҳаловатини кўрсинлар. Бизларга қолса-ку бу кишига сира ҳам жавоб бермасдик-а.

Шундан сўнг раиса дирекция ва маҳаллий комитет номидан Баҳром акага кимматбаҳо совғалар — электр чойнак, оқ нейлон кўйлақ, гул топширди. Ходимлар чалак чалишди. Баҳром ака чўнтагиндан рўмолча олиб буринини артарди. Сўнг рўмолчани кўзига босди. Тўқилди, кўлини кўксига қўйди. Нимаси пластинанинг бир чизигига кириб қолган патефондек товуши қалтираб:

— Раҳмат. Раҳмат. Раҳмат, таскорларди.

Ийилганлар ўриндан туришавтганда, раиса:

— Бир пиёла чойимиз бор. Марҳамат, бўлимга киринглар. — деди ва ўзи биринчи бўлиб кириб столга ўтираётганда кўзи эшикдан тез чиқиб кетаётган директорга тўшди. Комитетни чаққонлик билан ростлади:

— Раҳим Оқилович!

Директор чап елкасига бошини буриб, ярим ўйрилди. Қўлини кўксига қўйди. Илжайиб, кўзи билан «ишим кўп дегандек ишора қилди. Тўхтамадан тез чиқиб кетди. «Ҳа, директор бўлар-булмага вақтини кетказиб юрадимки. Катта базм бўлса, «казо-казолар билан ўтурса, қўдалар ақлли сўзлар билан кўтарилса бошқа гап. Бу ерда нима қилади. Энди у чолни умрида яна бир кўрса кўради. Ушандар ҳам арз ёки илтимоснома билан келса, бўлмаса йўқ. Тўғри қилди. Ақлли одамлар шундай...» Раисанинг ҳам руҳи ўзгарди. Енидаги ходимларга

роҳ аканинг ёнида фақат бўлим мудири Омонилла қолди. Омонилланинг қўлида фикрланган газеталар, Баҳром аканинг бир қўлида электр чойнак, бир қўлида гул, оқ целлофан — халтачага солинган бўлди. Анқор ёқасиди киб-бондан сенини боршарди. Баҳром аканинг Омониллага маҳри ошди: «Агар бу ҳам хайр, деб кетиб қолса нима қилардим бир ўзим. Омонилла одамшаванда, жуда кўнгли-чан-да. Кўпни кўрган, кишининг қадрига етдиган одамдай. Унга ҳавас келди. Узини унинг олдига очор, камбағал сазди. Ҳа, нимаси ортиқ унинг Баҳром акадан? Нимаси? Бу бебаҳо бойликка ҳавас қилса арзийди.

У уйга ҳоргин кириб кетди. Синчилаб тикилган киши, Баҳром ака шу бир куннинг ўзида ўн ёш қариб, кўзлари хирлашиб, елкалари чўкиб қолганини сезарди.

Негадир, севиниб ўрнига, юраги бўм-бўш, гагмин. Оёқ-қўлларидан мадор қочган. Гул, чойнак ва кўйлақни хона ўртасидаги столга қўйди. Хоналар гагмин танқолининг маюс кўлинда мудраб ётибди. Чироқни ёқди.

Ориқ, бироз эриган узун соя полга тўшди. Жам, хона юраки эзиб юборган сукунатга чўмган. Мияси гувил-лаб, қўлқларига бўғиқ товуш эшитилди. Бу нима, эскирган томиларда оқавтган қоннинг товушимини? Еки... сукунатнинг ҳам товуши бўладими? У ҳаётини бир мейвёга солиб, уяр бўйи қўлидан тортиб келатган илқи — ишни йўқотиб қўйди. Уни идорада ишлайдиган одамлар билан кўзга қуринамас минг бир ип боғлаб

# Реклама

# ЭЪЛОНЛАР

**СВЕРДЛОВ-НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА**  
11, 12, 13 ИЮНДА  
**КОНЦЕРТ**  
ҚАТНАШАДИЛАР:  
Ўзбекистон ССР халқ артистлари — Кундуз МИРҚАРИМОВА, Мухаммаднор МИРЗАЕВ.  
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — Меҳри АБДУЛЛАЕВА, Фахриддин АЗИМОВ.  
Солистлар: Алижон ҲАСАНОВ, Анвар РУСТАМОВ, Гулшод ОТАБОВА, ўринбой ОТАЖОНОВ, Сора ШУКУРОВА, Дадагон ҲАСАНОВ, Қизилархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Азим АЗИЗОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Дилфруз ЖАВБОРОВА.  
**ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРИ**  
Концерт кеч соат 8 да бошланади.  
Визетлар концерт зали насасида кундуз соат 3 дан сотилади.

**МУҚИМНИН НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА**  
10 июнь кеч соат 8 да  
Линги спелтаны  
С. ЖАЛИЛ музикаси Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун асарини  
**„ЛАҚМА“**  
Постановкачи режиссёр — СССР халқ артисти Раззоқ ҲАМ. РОЕВ.  
Диржиёр — Э. ТОШМАТОВ, Рассом — Г. А. ВИЗЕЛЬ.  
Қаңцертмейстер — М. ФУРМАН.  
Балетмейстер — О. НАЗРУЛЛАЕВ.  
Ролларда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари Х. УМАРОВ, Т. ЖАФФОРОВА.  
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: С. ПУЛДТОВ, А. МИРЗАЕВА; артистлар: Х. ШАРИПОВ, Т. ВАДИНОВ, Н. ИСХОҚОВА ва бошқалар.

**ТЕАТР**  
НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9 ЮНИ да Богчасарой фонтани, 10 ЮНИ да Дн Карлос.  
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9 ЮНИ да Олтин девор, 10 ЮНИ да Уғрилган умр.  
МУҚИМНИН НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10 ЮНИ да Лаица.


**Кино**  
9 ИЮНДА  
ҚИШКИ БИНОДА  
Том Жонс (2 серия) — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 да), «МОСКВА» (кеч соат 8,40 минутада).  
Катта саяр (2 серия) — «ЎЗБЕК КИСТО» (эрталаб соат 10, кундуз 1, 4 ва кеч соат 7, 10 да), «ЎЗБЕК КИСТО» 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3 ва кеч соат 6, 8,45 минутада).  
Утган кунлар (Ўзбек тилида) — НАВОНИ НОМЛИ (кундуз соат 1 ярим, 5 ва кеч соат 8,20 минутада).  
Ефрейтор Збруевнинг етти қаллиги — САНЪАТ САРОНИ (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3, 5 ярим ва кеч 7 ярим, 9,15 минутада).  
ЕЗГИ БИНОДА  
Хабтн беҳуда утнзаганлар — «ХИВА».  
Екинтой жаноб «Р» — «ФЕСТИВАЛЬ».

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета  
БИЗНИНГ АДРЕС: Гошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: Коммутиатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача  
редактор ўринбосарлари — 33-29-33, 33-29-09 маъсул секретарлар — 33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хужа-лига бўлимлари — 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари — 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар — 33-27-70, фан ва олий ўқув юр-тлари, иллюстрация бўлимлари — 33-27-57, саноат, транспорт ва курьел бўлимлари — 33-27-03, ахборот бўлими — 33-28-95, эълон-лар бўлими — 33-81-42.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ БУҒИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОНТОРАСИ  
**12 ИЮНДАН БОШЛАБ**  
**САНЪАТ САРОЙИДА**  
(эрталаб соат 11 ярим, кундуз 2, 4 ярим ва кеч соат 7 ва 9.15 минутда).  
ЯНГИ, РАНГЛИ, КЕНГ ФОРМАТЛИ  
**„ХАЛОСКОРЛИК“**



БАДНИИ ФИЛЬМИНИНГ 2 СЕРИЯЛИ 3 ФИЛЬМИ  
**„АСОСИЙ ЗАРБА“НИ**  
**НАМОЙИШ ҚИЛАДИ**



«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.  
Постановкачи режиссёр—Юрий ОЗЕРОВ.  
РОЛЛАРНИ ИЖРО ЭТАДИЛАР: ЦВЕТАЕВ — Н. ОЛЯЛИН, ЗОЯ—Л. ГОЛУБКИНА, ЖУКОВ—М. УЛЬЯНОВ, РОКОССОВСКИЙ—В. ДАВИДОВ, ВАСИЛЕВСКИЙ—Е. БУРЕНКОВ, АНТОНОВ—В. СТР-ЖЕЛЬЧИК, СТАЛИН—Б. ЗАКИРИАДЗЕ, ЧЕРЧИЛЛЬ—Ю. ДУРОВ, РУЗВЕЛЬТ—С. ЯСЬКЕВИЧ, ГИТЛЕР — ФРИЦ ДИШ ва бошқалар.

22 июнь кундуз соат 2 да  
Илқимий қўли Тошкент дав-лат институтининг илқимий да-ржалар бевручи илқимий совет кенгаши (Бевручи) кўчаси.  
Акт залда педагогика фан-лари илқимий даражасини олиш учун  
Т. Неъматов: «Қишлоқ жой-ларида умумий ўрта таълим-га ўтишини ташкилий-педа-гогик масалалар» (Ўзбеки-стон мактаблари материаллари воесида) деган темада  
**ДИССЕРТАЦИЯ**  
**ЕҚЛАЙДИ**  
Диссертация билан инсти-тут кутубхонасида танишиш мумини.

28 июнь кундуз соат 2 да  
Тошкент врачлар мадассийи ошприш институтининг бар-лашган илқимий совети (Гене-рал Петров кўчаси, 51-уй, юе-ференц залда медицина фан-лари илқимий даражасини олиш учун  
Б. С. Сапаров: «Туркманис-тон Мурғоб водийида, оғиз шиллиқ қатламнинг рак ва хроник насалиларини ўрганишга доир материал-лар» деган темада  
Ш. Ш. Слободной: «Сурун-кал ва насаллари учрайдиган улпа-силлиқ насали ва морфологиясини ўрганиш бў-йича материаллар» деган те-мада  
**ДИССЕРТАЦИЯ**  
**ЕҚЛАЙДИЛАР**  
Диссертациялар билан ин-ститут кутубхонаси (Генерал Петров кўчаси, 51-уй)да тани-шиш мумини.

**ТЕЛЕВИЗОР**  
9  
**И Ю Н Ь**  
**ЧОРШАНБА**

Биринчи программа, Тошкент кўрсатади. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ахборот» ин-формация программаси (рус тилида). **Ўзбек тилида:** 18.10 Ус-мирлар учун «Орузу» программа-си. 18.45 Миллионлар ленинча универенети. 19.00 Чирчиқ по-яффа фабрикаси маданият уяи бадий хаваскорларининг кон-церти. 19.40 «Ахборот» инфор-мация программаси. **Москва кўрсатади.** 19.55 Москва шаҳар Фрунзе сайлов округи сайловчи-ларининг РСФСР Олий Совети де-путатлигига номзод ўртоқ А. Н. Косигин билан учрашуви. СССР Иттифоқи Давлат Академики Вольной театридан олиб кўрсат-тилади. Учрашув охирида кино-порт. 23.30 «Вант» информациял программа. 24.00 Москва кўр-сатувларининг охири.

Икинчи программа, Москва кўрсатади. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Уқувчилар учун «Спорт ёзи, пионер ёзи», 18.35 Вадий хаваскорлик кол-лективларининг чиқини. 19.55 Москва шаҳар Фрунзе сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига ном-зод ўртоқ А. Н. Косигин билан учрашуви. СССР Иттифоқи давлат академик Вольной театридан олиб кўрсатилди. Учрашув охи-рида концерт.  
Учинчи программа, Тошкент кўрсатади. Уқув кўрсатувлар программаси. 18.00 Абитурент-лар учун. Математика. 19.00 Абитурентлар учун. Химия.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмахонаси Тошкент шаҳри.  
ИНДЕКС 64579. НАШР А — 2573. Р — 01592.